ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

Педагог ўйлари

# УМРНИНГ ГУЛ ФАСЛИ

Бир доно кишидан сўрабдиларки:

— Фарзанднинг қадр-қиммати нима билан ўлчанади?

Доно айтибди:

— Фарзандлар — инсоният ҳаётининг давоми, уларни чароғбонга қиёс қилса бўлади, зотан фарзандлар биздан кейин чироғимизни ёқадилар, демак ҳаётни давом эттирадилар.

Яна сўрашибди:

— Ота-онага фарзанднинг қандай ҳикмат-ҳосияти бор?

Доно бундай деб жавоб берибди:

—Фарзанд ёшлигида ота-онасининг қувончи қариганда— суянчиғи бўлади. Агар фарзанд яхши камол топиб, одоб-ахлоқда манзур бўлса ота-онага эл-юртдан раҳмат келади, бундай фарзанд ҳалоллик, поклик, камтарлик, меҳнаткашлик билан бахт-саодат топиб, кексайган ота-онасининг суянчиғи, уларнинг умрларига роҳат-фароғат бағишлайди.

Донишманднинг бу ҳикматона таъриф-тавсифини батафсил келтирганимизнинг боиси бор. Фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун эл-юртнинг, она-Ватаннинг ифтихори, қувончи, суянчи эканлиги ҳаммамизга маълум.

Фаровон ҳаётда яшаяпмизки, унинг қадр-қимматини доим эъзозлашимиз керак. Инсон ҳаётга келар экан, унинг дилида чексиз орзу-истаклар, ширин умидлар жўш уради. Ота-она ҳам фарзандининг истак-умидлари амалга ошиши учун курашади. Ёш гўдак биринчи синф остонасига қадам қўйгандан то ўнинчи синфни битириб етуклик аттестатини олгунча давлатнинг қанчалаб маблағи, оила, мактаб ва ўқитувчиларнинг қанча куч-қуввати, билими, яна бир муҳими оиланинг қанча иқтисодий сармояси сарфланади. Шуларнинг ҳаммаси замонамизнинг ҳар томонлама ривожланган, чинакам коммунистик руҳда тарбияланган совет кишисининг камоли учун аталганини биламиз. Тўлиқ ўрта маълумот олган ҳар бир йигит ва қизга катта ҳаётга йўлланма сифатида етуклик аттестати берилади. Зеро, ёшлик жуда ажойиб умр фасли. Бир доно: «Ёшликда ёзганинг— тошга ёзганинг, қариликда ёзганинг — музга ёзганинг», деган экан. Бу жуда топиб айтилган кенг маънодаги ҳикмат бўлиб, ҳаётингда зарур бўладиган барча билим ва ҳунарни ёшлик пайтингда эгаллаб ол, улар бутун умрингга керак бўлади, қариганда эса буларга улгуролмайсан деган ўгитни тушунтиради.

Ёшлик худди баҳордек, «ғир» этган шамолдек, оқар сувдек тез фурсатда ўтиб кетишини ҳам унутмаслик керак. Вақтини қадрлаган одам бахтини қадрлайди. Бахт —вақт билан топилади. Шунинг учун ёшликда биринчи навбатда ҳунарли ва билимли бўлиб олиш керак.

Аммо, афсуски, баъзида ёшларимиз орасида, юқорида биз айтиб ўтган болаликдан то ўсмирлик ёшигача она-Ватану, ота-оналаримиз сарф этган маблағларни, парваришларни, бутун меҳнат-машаққатларни, фарзанддан кутилган орзу-умидларни билмайдиган, билса ҳам нонтепкилик қилиб, «хаҳо-тиралла» қилиб юрадиган бепарво ва лоқайд ёшлар ҳам учраб туради. Мен шу ўринда бир мисол айтиб ўтмоқчиман.

Нодир исмли бир ўқувчи ўнинчи синфни амал-тақал қилиб зўрға битирди. Унинг отаси боласини эркалатиб, давлати ошиб-тошиб кетганиданми, ўқувчи ўғлига «Жигули» олиб берганди. Ёш ўсмир Нодир босар-тусарини билмай қолди. Ўқитувчилари унинг отасини чақириб ўғлининг ёмон ўқишини, бола талтайиб ҳеч кимни менсимай қўйганини ётиғи билан тушунтиришди. Шунда отаси Толиб мана бундай важ-карсон айтди:

— Ўғлимнинг феъл-атвори шунақа... тажанг. Уйда онасини ҳам, опаларини ҳам менсимайди. Мендан бир оз хайиқиб туради... Энди ёш-да...

— Ёш эмас-ку, етуклик аттестатини олади ахир, ўқишини яхшиласин...

— Аттестат олади деяпсизларку, ишқилиб ўртача ўқиса бўлди-да... Мана, биз ҳам чаласавод эдик, амаллаб ишлаб кетдик, катта оилани боқаяпмиз-да... Бу ҳам йўлини топиб кетар...

Отанинг фарзанди тарбиясига нисбатан бунчалик лоқайдлиги ўқитувчиларни ҳам, кейинчалик Нодир маҳалладоши бир қўшнисининг ўғлини уриб маҳалла судида ўтирганда кўпчилик одамларни ҳам қаттиқ ранжитди. Азият чеккан боланинг отаси ўша куни жаҳл билан: «Толибжон, сиз ўғил эмас, уришқоқ «хўроз»ни ўстираяпсиз, кўзингизни очинг!»— деди.

—Нима демоқчисиз, Акбаржон, — деб керилди бирдан ўрнидан туриб Толибжон. —Сиз ўзингиз бундан йигирма йил илгари хўроз уриштириб юрардингиз-ку.

Акбаржон амаки аччиқ кулди:

— Мен хўроз уриштирган бўлсам, сиз одам уриштиряпсиз-ку...

Ҳамма кулди.

Маҳалла суди Толибжон ишлайдиган бошқармага ўғлини тарбиялай олмагани ҳақида хат ёзадиган бўлди.

Мана шу воқеадан кўп ўтмай Нодир ичган ҳолда «Жигули» машинасини ҳайдаб келатуриб, кайф билан рулни бошқаролмай қолади, йўлкага чиқиб кетиб беш яшар қизчани уриб юборади. Қизча ҳалок бўлади. Нодир эса етуклик аттестатини ҳам ололмай қамоқ жазосига ҳукм қилиниб кетди.

Отасининг нотўғри тарбияси, боланинг ножўя хатти-ҳаракати туфайли нораста қизча ҳаётдан кўз юмиб кетди. Нодирнинг эса ёшлик онларига қора кўланка тушди.

Мен педагоглик қилаётган Акмал Икромов районидаги 4-ўрта мактабни шу ўқув йилида кўплаб ажойиб ёш йигит ва қизлар битиришди. Ўнинчи синфларни тамомлаган 101 ўқувчидан ўн иккитаси фахрий ёрлиқ, 2 та кумуш, шу жумладан уч ўқувчи олтин медаль олишга муяссар бўлди. 8-синфларни эса 147 ўқувчи тамомлади, кўплари аъло баҳоли шаҳодатнома олишди.

Мактабда ана шу ёшлар билан уларнинг орзу-истакларини билиш, зарур бўлса маслаҳат бериш мақсадида ўқув йили давомида кўп марта суҳбатлашгандим, якка-якка гаплашгандим. Ана шу суҳбатларда ёшларимизнинг ажойиб хислатларини пайқаб, замон талаби билан ҳамнафас яшаётган ўқувчиларимиздан беҳад хурсанд бўлдим. Ўнинчи синфни яхши баҳолар билан битирган Насиба Жамолова, Азиза Ниёзова, Озода Мирзаева, Абдулла Ҳакимов, Мирфайзулла Абдуқодиров, Нодира Набиева, Равшан Халилов, Рихсивой Баҳромов, Дилдора Юсупова, Муборак Аюпова, Ҳасан Мухсинбеков, Клара Акрамова ва бошқа кўпчилик ўқувчилар Тошкент тўқимачилик комбинатида, шаҳримиз қурилишларида ишламоқда.

Ёшлик— умрнинг энг гўзал ва қудратли кучи. Ёшларимиз ўз ҳаёт йўлларида бахт-саодатни, шон-шуҳратни, донолар айтгандек узоқ умр саломатлигини меҳнатдан топадилар, илм-фанни чуқур ўрганиб ҳаётдаги кўплаб сирли муаммоларни ечадилар ва уни халқимизнинг фаровонлиги учун хизмат эттирадилар.

**А. ЙЎЛЧИЕВ,**
**Акмал Икромов районидаги 4-мактаб ўқитувчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими.**

# ДИЛНАВОЗ СЎЗ

(ҚАТРА)

Ҳабибуллахон ён қўшним. Иккимиз бир корхонада ишлаймиз. Касб-коримиз ҳам бир. Уйда эса иккимизни ҳовлимиз ўртасидаги синч девор ажратади, холос. Ҳабибуллохон ишдан келади-ю, тамадди қилиб бўлгач қўлга рубоб ёки доира олиб аллamaҳалгача машқ қилади. Иккала ҳовли бўйлаб гоҳ мунгли, гоҳ шўх мусиқа тарала бошлайди. Доира тилга кирганда тўлқинли куй атрофга сув мавжидай ёйилиб кетади. Мириқиб тинглайман, тинглайманда чанқоқ одам ҳовучлаб-ҳовучлаб сув ичгандай ҳузур қиламан. Гоҳида девор оша:

— Ҳабибуллохон «Гулноз», «Чертма»дан ҳам бўлсин!!— деб юбораман беихтиёр. Яна нозик куй таралиб, асабларимни силаб-сийпалайди, кенг самоларда учиб юргандек ҳисларга тўламан.

Кунлар шу зайл завқли ўтарди. Яқинда Ҳабибулло уйланди. Энди, доира овози, рубоб торларининг сеҳрли, дилни қитиқловчи саси тинди-қолди. Ҳайрон бўлиб юрдим. Бу жумбоқ узоққа бормай ечилди. Энди қўшни ҳовлидан ёш келинчакнинг ич-ичидан отилиб чиқаётган тотли, дилбар қаҳ-қаҳаси, гоҳида эса ҳовли ўртасидан оқиб ўтадиган ариқ сувларининг шов-шуви, сув сепишлардан келинчакнинг энтикиб ҳафриқишлари қулоққа чалинади... Шу тахлит йил ҳам ўтди-кетди.

Ҳабибуллохон билан эрта тонгда бир вақтда ишга йўл оламиз. Энди келинчак мурғак ўғилчасини бағрига босиб, бир олам масъум назокат билан иккимизга:

—Яхши бориб келинглар!

— деб остонада хайрлашиб қолди.

Ишдан ҳам кўпинча Ҳабибуллохон билан бирга қайтамиз. Келин қилаётган юмушини қўйиб, қўлини этагига артиб эшикка пешвоз чиқади:

— Яхши келдингларми?— деб илтифот билан кутиб олади.

Ҳар куни икки маҳал шу икки оғиз оддий сўз менга ҳам қанот бахш этгандай бўлади. Меҳнат қучоғида на чарчаганимизни, на толиққанимизни биламиз... Назаримда Ҳабибуллохон чаладиган ҳамма мусиқий куй, ҳамма оҳанглар шу икки оғиз дилнавоз сўз олдида таъзим қилаётганга ўхшайди. Гоҳ доирада, гоҳ рубобда машқ этиладиган ўша куйлар шу икки оғиз сўзга сингиб, яна ҳам дилрабо тарзда қулоқларим остида жаранглаб туради.

**Анвар ҲОЖИХОНОВ.**

Бу—қизиқ!

## «Сейсмограф»— бармоқ

Итальян Жо Кардуччининг оёғидаги бармоқ —эгасининг ишонтиришича ғаройиб хусусиятга эга бўлиб, у зилзилани олдиндан айтиб бера олади.

Этна вулкани этагида жойлашган Жаре шаҳарчасида узоқ муддат яшаган Жонинг пайқашича, бармоғи зирқираб оғрий бошлаганида вулканда нималар содир бўлади. Кунлардан бир кун тунда зирқираб оғриқдан уйғониб кетган Кардуччи яқинлашиб келаётган хавфдан хабардор этиш учун шаҳар мэри ҳузурига йўл олди. Уйқусираган шаҳар бошлиғи гап нимада эканлигини тезда тасаввур эта олмади. Охир-оқибат тревога сигнали беришга кўрсатма берди, шу тариқа шаҳарча йигирма минут ичида эвакуация қилинди. Тез орада Этнадан лава отилди. Жаре бутунлай вайрон бўлди. Одамлардан ҳеч ким «сейсмограф» Жо туфайли талофат кўрмади.

## Кўз рангига қараб

Австриялик стоматологлардан бирининг эътироф этишича мовий кўзли кишилар оғриққа энг чидамсиз бўладилар. Шу туфайли улар энг нозик бемор ҳисобланадилар. Жигарранг кўзлар эгалари бурғи машинаси олдида шак-шубҳасиз, ҳаддан зиёд қўрқувни ҳис қиладилар. Феруза кўз ва чағир кўзли беморлар оғриқни нисбатан осойишта ўтказадилар.



Гулгун бу чеҳраларда ширин икки тақдирнинг қўшилиши, бахтли ҳаётимизнинг нашу-намоси жилва қилмоқда. Ёш келин ва куёвнинг умри, турмуши, оиласи гўзал бўлсин, кўп ўғил-қизларнинг меҳнаткаш ота-оналари бўлишсин.

Бахтли оиланинг бахтли кунлари шундай бошланади.

Р. Шарипов фотоси.

# СУҲБАТ

Бўлган воқеа

Оқшом пайти. Жазирама иссиқдан сўнг Тошкентнинг Ғалаба боғига салқинлик ёйила бошлади. Кимдир қизалоғини етаклаб сайр қиляпти, яна кимдир ишдан сўнг ҳордиқ чиқармоқда. Дам олувчилар орасида узоқ вақтдан сўнг тасодифан учрашиб қолган икки йигит ҳам ўтиргичда суҳбат қурмоқда. Бири ораста ва дид билан кийинган, вазмин, умуман зиёлилиги яққол сезилиб турарди. Унинг ёнидаги олифта эса оқариб кетган жинси шим, ярми сариқ, ярми қизил майка кийган, бармоғига эса тилла узук тақиб олган, сочлари жингалак, мўйловли бир ўспирин эди. Биринчи йигит ТошМИни битириб шаҳримиздаги қайсидир касалхонада ассистент, иккинчиси эса ошпаз бўлиб хизмат қилаётганини ўзича ғурур билан гапирмоқда эди. Ошпаз ёнидаги мактабдошига:

— Сенга жуда ачинаман-да дўстим, эртаю-кеч касаллар орасида ўралашиб юрасан, тиним билмайсан. Камина агар тўрт сатр нарса ёзса диққинафас бўлиб, юраги тарс ёрилиб кетай дейди. Наҳотки ўша ернинг оҳ-воҳлари жонингга тегмаган бўлса?.. Яхшилик қилишни ўрган. Мен яқинда синфдошимиз Салимга 50 килограмм гўшт тўғрилаб бердим.

— Сўзларнинг қофиядошлигини қаранглар... Тўғрилаб эмас, очиқчасига ўғирлаб бердим деб қўяқолмайсанми?..

— Қайсарлигинг ҳеч қолмади қолмади-да.

— Сен соғлиғинг ва оила аъзоларинг ҳақида гапирсанг бўларди,— деб гапини бўлди анчадан бери кўришмаган йигит.

— Ҳа, ўтган ҳафта армияда ҳарбий хизмат бурчини ўтаётган укамдан хат олган эдим. Гапини қаранглар, бола ёшда ҳали, ҳарбий хизматдан қайтиб келса институтга кириб ўқишини ёзиб юборибди. Олим бўлармиш. Анави «Бешёғоч» томондаги, пештоқига «Билим — оммага» деб ёзилган институт борку, худди ўшанга кириб ўқишни кўнгиллари тусаб қолибди.

— Э, сен Тошкент Давлат педагогика институтини назарда тутаётган бўлсанг керак?

— Ҳа, ақлингга балли, садағанг кетай сендай оғайнидан, —елкасига қоқаркан у.

Бу суҳбат яна бирмунча вақт давом этиши мумкин эди, бироқ олифта йигитнинг палапартиш ва бемаъни гаплари ассистентни чарчатиб юборди. Шунда у қўлидаги соатига қаради-да, бориши кераклигини айтиб, хайрлашмоқчи бўлганди, ёнидаги мактабдоши гапни бошқа ёққа бурди.

— Бунча шошилмасанг? Борасанда ўша уйингга. Бола-чақа катта бўлаверади-да. Мен сени ресторанга таклиф қилмоқчи эдим.

— Сенга очиғини айта қолай: Бир вақтлар мактабда комсомол комитетининг секретари бўлиб ўқиб юрганингда сенга ҳавасим келар эди. Эсингдами? Комсомол сафига биринчилар қатори қабул қилинаётганимда ўзинг менга тавсиянома ёзиб берган эдинг. Инсон ўзгараман деса ҳеч гап эмас экан. Бирор кишидан сен тўғрингда шундай гапларни эшитсам, балки ишонмаган бўлардим. Йиллар мобайнида анчагина ўзгарибсан... Ҳа энди омон бўл! Хайр!

Ассистент қўлини силтади-ю ўрнидан туриб кетди.

**Б. ҒИЁСОВ.**

СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

**Қ. СОБИРОВ: Мен кечки сменага ишга чиқишим керак эди. Бироқ чиқа олмадим. Сабаби донор бўлганим учун шу куни қон топширишимга тўғри келди. Кейин врачлар тавсияси билан ишга бормадим. Маъмурият эса мени прогулчи деб виговор эълон қилди. Ким ҳақ, ким ноҳақлигини била олмай қолдим...**

*Жавоб:* Маъмурият тўғри иш қилмаган. Ўзбекистон ССР Меҳнат қонунлари кодексининг 130 моддасига биноан, корхона, муассаса ва ташкилот бошлиқлари ишчи ва хизматчи донорларни қон топшириш куни ишдан озод қилишлари шарт. Шу вақт ичида улар учун ўртача маош сақланади.

Агар донор отпуска пайтида қон топширган бўлса, у ҳолда отпуска ўртача иш ҳақи тўланиши ҳисоби билан бир кунга узайтирилади. Ишчи ва хизматчиларнинг қон топширган куни дам олиш кунига тўғри келса ҳам бир кун қўшимча дам олиш куни, иш сменаси давомати 10 ёки 12 соатга тўғри келса, у ҳолда қон топшириш куни ва дам олиш куни иш сменаси давомати ҳисобда ўртача иш ҳақи тўланади.

Донорнинг ўртача иш ҳақи сақланиб қолиши учун ундан қон топширганлиги ёки текширувдан ўтганлиги ҳақида справка талаб қилинади.

Донорларга дам олиш уйлари ва санаторийларга йўлланмалар имтиёзли равишда берилади.

* * *

**Р. ҲАКИМОВ, И. РАҲИМОВ: Биз заводда меҳнат қиламиз. Яқинда касбдошларимизга ишга кеч келгани учун ҳайфсан эълон қилинди. Шу тўғрими? Биз интизомий жазо ва уни қўллаш тартиби ҳақида кенг тушунчага эга бўлишни истардик.**

*Жавоб:* Қонунчиликда бир неча турдаги интизомий жавобгарлик борлиги кўрсатилган. Кўпроқ тарқалгани, бу ички қоидага кўра қўлланиладиган интизомий жавобгарликдир. Махсус интизомий жавобгарлик ҳам амалда қўлланилади. Қонунга биноан корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти танбеҳ бериш, ҳайфсан, уч ой муддатгача маоши камроқ ишга ўтказиш ёки ўша муддатга пастроқ мансабга кўчириш, ниҳоят ишдан бўшатиш каби интизомий жазони қўллайди. Айрим категориядаги ишчи ва хизматчилар учун уставга биноан қонунчилик қаттиқ ижтимоий жазо қўллаши мумкин.

* * *

**А. КОМИЛОВА: 6 ёшли болага (уни бетоб бўлганлиги учун) қараб туришга тўғри келди. Айтингчи, мен 10 кунлик нафақа олиш ҳуқуқидан фойдаланишим мумкинми?**

*Жавоб:* Ҳа, мумкин. Амалдаги қоидага кўра 7 ёшгача бола касал бўлганида унга қараб туриш учун нафақа 10 кунгача ёлғиз оналарга, эри билан ажрашган болали аёлларга, хотини вафот этган эркакларга ҳам берилади. Шунингдек, ҳарбий хизматдагиларнинг аёлларига ҳам бундай нафақалар тўланади.

* * *

**К.САЛОҲИДДИНОВ: Мен меҳнат ногиронман. Протез қўйдириш учун стационарга жойлашдим. У ерда даволанаётганим учун нафақа олишим мумкинми?**

*Жавоб:* Протез-ортопедик стационарга жойлашилганда у ерда бўлган ҳамма вақт учун (йўлга кетган кунлар учун ҳам) нафақа берилади, аммо у 30 календарь кундан ошмаслиги керак.

**А. ҲАСАНОВ,**
**Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг штатсиз ҳуқуқ инспектори.**

## «Тошкент оқшоми»га обуна бўлдингизми?

**Ҳурматли оқшомхонлар! Шу кунларда бутун мамлакатимизда 1987 йил учун газета ва журналларга обуна қабул қилинаётганлигидан албатта хабардорсиз. Жумладан «Тошкент оқшоми» газетасига ҳам келгуси йил учун обуна қизғин кетмоқда. Газетани янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб мунтазам равишда оламан десангиз шу кунларда унга ўз вақтида обуна бўлишни унутманг. Обуна «Союзпечать» корхоналари, алоқа бўлимлари, иш ва ўқиш жойларида жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан чекланмаган миқдорда қабул қилинмоқда. Агар сиз обунани 31 октябргача расмийлаштирсангиз «Оқшом» газетасини 1987 йилнинг 1 январидан мунтазам ола бошлайсиз. 1 ноябрдан эса обуналар 1987 йилнинг феврaль ва шундан кейинги ойлари учун расмийлаштирилади. Ўйлаймизки, 1987 йилда ҳам «Тошкент оқшоми» газетаси Сизнинг энг яхши дўстингиз, маслаҳатгўйингиз бўлиб қолади.**

**«Тошкент оқшоми»га обуна баҳоси: бир йилга — 7 80 тийин, олти ойга —3 сўм 90 тийин, уч ойга— 1 сўм 95 тийин. «Тошкент оқшоми» газетасининг индекси 64690.**




Ажойиботлар оламида

## VIII асрга мансуб дорихона

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси археология институтининг олимлари Бухоро воҳасидаги Пойкент шаҳристонидан топган нарсалар бундан минг йил аввал бўлган дорихоналар тўғрисидаги қўлёзма маълумотларни тасдиқлади.

Археологлар бу ерда хоналар комплексини қазиб очаётиб шиша ва сопол идиш қолдиқларига дарров эътибор бердилар. Сопол синиқлари VIII аср охирига тааллуқли, деб аниқ белгилашга ёрдам берди.

Идишларнинг ҳаммаси бир типдаги махсус химиявий идишлар бўлиб — улар ярим шаффоф, кўкиш шишадан найчалари бўлган цилиндр эди. Баъзи олимлар буни қон оладиган идиш деса, бошқалари сувни дистиллаш ва ҳайдашда ишлатиладиган аппарат демоқда.

Археологлар эса у алхимик лабораторияси эмасмикан, деган масалани ўртага қўйдилар. Шағам қолдиқлари бўлган тўрт бурчак бронза пиёла сирни очди. Маълумки, шам Шарқ медицинасида азалдан дори ҳисобланиб келади. Шу сабабли олимлар бу ер дорихона қолдиқлари бўлса керак, деган фикрга келдилар. Қолган материаллар ҳам бу тахминни йўққа чиқармайди. Бинодаги катта супада дори учун келган кишилар ўлтирган бўлишлари мумкин, сардоба ертўлада эса дори-дармон сақланган. Шу жойдан чиққан кўп тангалар дорихона эгасининг иши дуруст бўлганидан далолат беради.

Ўша замонларда тиббий хизмат жуда қиммат турган. Алхимик Ар-Розийнинг кўзи оғриганида табибга борса, даволаш учун 500 тилла сўраган. Шунда Ар-Розий: «Ие, ҳақиқий алхимия бу ерда экан-ку!» деб ҳайқириб юборган. Ана шундан кейин у табобатни ўрганишга киришган.

Олимлар биринчи дорихона айни Бухоро воҳасида очилганлиги бежиз эмаслигига аминдирлар. Чунки буюк ибн Сино бу ердаги Афшона қишлоғида туғилган, ундан юз йил аввал яшаган химик ва медик Ар-Розийнинг шогирдлари орасида бухороликлар ҳам бўлган.

**Ю. БОНДАРЕНКО,**
**ЎзТАГ мухбири.**

